ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 27 сентябрь № 38 (215) ● Сотувда нархи эркин

ТАНЛОВНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги эълон қилган республика электралоқа тармоқларини кенгайтириш борасидаги халқаро танловда (тендер) ўз лойиҳалари билан иштирок этмоқчи бўлган чет эл фирмаларининг сони тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда Республика Алоқа вазирлигининг электралоқа бўлими ва «Ўзбектелеком» концернида ушбу танловда қатнашмоқчи бўлган хорижий фирма вакилларининг танловга оид таклиф-лойиҳаларини қабул қилиб олиш маросими бўлиб ўтди. Маълумки, мазкур танлов Япония ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг (OECF) 11,3 миллиард иенлик кредит маблағига асосан эълон қилинган эди. Танловда ғолиб чиққан фирма ушбу кредит маблағ эвазига юртимизда электралоқа тармоқларини кенгайтириш борасида ишлар олиб бориши мўлжалланган.

Халқаро тендерга тақдим қилинган лойиҳа хориждан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларини телефонлаштириш учун 300 минг рақамга мўлжалланган коммутация жиҳозлари келтиришни, Нукус-Бухоро, Тошкент-Ангрен йўналишида умумий узунлиги 761 километр ва республика ҳудудида қарийб 2 минг километрли алоқа линияларини, Ангрен-Кўқон-Наманган-Андижон-Фарғона, Самарқанд-Қарши ҳамда Урганч-Тўрткўл йўналишларида рақамли радиорелели алоқа магистралларини бунёд этиш каби ишларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Шунингдек, лойиҳада бунёд этилган тизимлардан фойдаланиш ва бошқаришни ташкиллаштириш жараёнлари ҳам аниқ ифода қилинган бўлиши шарт.



Дастлаб халқаро танловда иштирок этиш учун 15 та чет эл фирмаларидан буюртмалар тушди. Яқинда эса 9 та фирма ўзларининг аниқ таклифларини билдирди. Жумладан, Германиянинг «Алкатель» фирмаси Япониянинг «Марубени» фирмаси билан, Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси Япониянинг «Иточу» фирмаси билан ҳамкорликда, «Сименс», «Италтел», «Мицуи», «Эриксон», «Телепорт Захсен Анхальт» каби фирмалар эса мустақил ҳолда халқаро танловда қатнашмоқда.

Алоқа вазирлигида тузилган эксперт комиссияси шу кунга қадар тақдим этилган барча таклифларнинг техник қисмларини диққат билан кўриб чиқиб, танлов қатнашчиларига тегишли ҳужжат берди. Бу таклифлар молиявий томонлари аниқ бўлмаганлиги учун ҳозирча сақлаб турилади. Комиссия бир ой мобайнида бошқа таклифларни ҳам кўриб чиқиб, иштирокчиларнинг молиявий режаларини ҳисобга олган ҳолда ғолибни аниқлайди. Сўнгра мазкур танлов ғолибига республика электралоқа тармоқларини кенгайтириш, тараққий эттириш ва хориждан замонавий алоқа жиҳозлари келтириш, кабель ҳамда радиорелели магистралларни қуриш мақсадида Япония ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ажратган кредит маблағ ишониб топширилади.

А. КУДИНОВ
Суратқаш Солиҳ ЗОИР

● Обуна-97

ОБУНА БОШЛАНДИ

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:
ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм, 12 ойга 336 сўм.
ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:
1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм, 12 ойга 468 сўм.
НАШР КЎРСАТКИЧИ:
64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

● Тошкентда «Фан ва техника соҳасида халқаро интеграция: МДҲ давлатларининг янги бозорга чиқиш йўли» мавзуида халқаро семинар ўз ишини бошлади.

● Тошкентда янги молиявий муассаса — ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акционерлик тижорат банкининг тантанали очилиш маросими бўлди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида БМТнинг жамоат ташкилотлари билан ишлаш бўйича халқаро маслаҳатчиси, профессор Я. Курчевский унинг илтимосига биноан қабул қилинди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● Республика пахтакорлари қабул пунктларига дастлабки миллион тонна пахта тўкдилар. Ҳосил йиғим-теримида Сурхондарё, Андижон, Бухоро пахтакорлари қарвонбошилик қилмоқдалар.

● Чеченистон жангарилари раҳбари Зелимхон Яндарбиевнинг Москвага ташрифи сентябрь ойи охирларига кечиктирилди.

● Украинада савдо майдони 20 квадрат метрдан кам бўлган нуқталарда, яъни кичик дўконларда спиртли ичимликлар сотиш ман этилди.

● Ошкор этилган ўта махфий ҳужжатларда АҚШнинг 35-Президенти Жон Кеннединнг 1963 йил 22 ноябрда Даллас шаҳрида отиб ўлдирилишида ўша пайтдаги вице-президент Линдон Жонсоннинг қўли борлиги аён бўлди.

Барча алоқа ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлар ҳамда Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилиб нафақага чиққан меҳнат фахрийлари

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида дастлабки телефон станцияси қурилганига 90 йил бўлди. Шу муносабат билан

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ ТАРИХИ МУЗЕЙИни

очиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарияти барча алоқа ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлар, меҳнат фахрийларига мурожаат қилиб, ўз хотиралари, фотосуратлари, алоқа тарихига оид турли нарсабуюм ва ҳужжатлари билан бўлажак музейга ёрдам кўрсатишларини сўрайди.

Бу муҳим ва хайрли ишда фаол иштирокингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги телефон орқали жавоб олишингиз мумкин:

54-17-86

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси

ОБУНА МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтганига эндигина беш йил тўлишига қарамасдан, эришган ютуқларимиз салмоқлидир. Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги, халқимиз турмуш даражасининг ўсиб бориши натижасида оммавий ахборот воситалари, хусусан газета ва журналларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида почта ходимлари зиммасига даврий нашрларни қисқа муддатларда аҳолига, корхона ва ташкилотларга етказиб бериш, обуна учун барча қулайликларни яратиш каби масъул вазифаларни юклайди.

Шу йилнинг 25 сентябридан республиканинг барча алоқа корхоналарида 1997 йил учун обуна қабул қилиш бошланди. Бу муҳим тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш учун анчагина тайёргарлик ишлари олиб борилди. Обуна каталогига республикада чиқадиган газета ва журналлардан ташқари Россия, Қозоғистон, Татаристон каби давлатларнинг нашрлари ҳам киритилди. Каталогга ҳаммаси бўлиб 157 та газета, 235 та журнал ва илмий нашрлар киритилган. Бу 1996 йил каталогидан жой олган нашрлардан икки баробар кўпдир. Барча почта бўлимлари каталоглар, бланкалар, квитанциялар ва бошқа керакли ҳужжатлар билан тўла-тўкис таъминланди.

Республикамиз бозор иқтисодига ўтиши муносабати билан даврий нашрларга обунани ташкил қилиш, уни тарқатиш ишида рақобатчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Почта корхоналарининг бу борадаги нуфузи ҳозирча баланд, аммо бу муҳим тадбирга эътибор янада кучайтирилмаса, ташаббусни қўлдан бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас.

Обуначилар сонини белгилайдиган муҳим омиллардан бири, албатта, обуна нархидир. Бу нарх обунани ташкил қилиш, даврий нашрларни обуначиларга етказиб бериш жараёнида иштирок этувчи корхоналар ҳамда ташкилотлар томонидан қўйилган нархлар йиғиндисидан иборат. Ушбу жараённинг асосий иштирокчилари — муҳарририятлар, обуна нашрларини етказиб берувчи ташкилот, халқаро почтамт, вилоят ва Тошкент шаҳар давлат почта корхоналари нархларни тўғри белгилашлари, турли йўллар билан харажатларни ошириб кўрсатишга чек қўйишлари лозим.

Корхона раҳбарлари нархни камайтириш ҳисобига обуначилар сонини кўпайтириб, умумий даромад миқдорини ошириш энг тўғри йўл эканлигини англаб етишлари керак. Обунани жадаллаштириш учун йирик корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида обуна қилиш бўлимларини очиш, жамоатчи тарқатувчилар хизматидан кенг фойдаланиш, имтиёзли обунани ташкил қилиш ва айниқса, бу ишга хат ташувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, почта соҳаси ходимларининг 70 фоизини хат ташувчилар ташкил қилади. Улар ёрдамида қанчадан-қанча хонадонлар, маҳаллалар, жамоа хўжаликлари ва қишлоқларда даврий нашрларга обуна қилишнинг катта имкониятларини ишга солиш мумкин. Ҳаттоки обунани телефон орқали қабул қилиш йўлларини ўйлаб кўриш керак.

Республика матбуот тарқатиш Маркази обунани юқори савияда ташкил қилиш, ходимларни рағбатлантириш мақсадида туман почта алоқа бирламаларини ўртасида танлов ўтказишни режалаштирди. Унинг натижаси бўйича голибларни мукофотлаш мақсадида 100 минг сўм пул ажратилди. Обуначилар сони, туманда яшовчи аҳоли сони ва бирламада хизмат қилаётган ходимлар сонига нисбатан энг яхши кўрсаткичга эришиш танлов голибларини аниқлашнинг асосий мезони ҳисобланади. Ана шундай танловлар вилоятлар миқёсида ҳам ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, газета ва журналлар орқали обуна ҳақида маълумотлар бериб бориш, шубҳасиз, обуна жараёнига сезиларли таъсир кўрсатишини ҳам ҳисобга олиш даркор. Ўйлаймизки, почта корхонаси раҳбарлари бу воситадан унумли фойдаланадилар. Обуна қабул қилиш, ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, буюртмалар тайёрлаш, саралаш жадваллари тузишда компьютерлардан фойдаланиш иш унумини кескин оширади, вақтни тежайди. Бунинг учун ягона дастур тузиш, мавжуд компьютерлардан самарали фойдаланиш лозим.

Афсуски, кўпгина алоқа бўлимларида, почтамтларда хизмат кўрсатиш маданияти ҳали юқори даражада эмас. Бу эса обуначиларнинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатади. Почта ходимлари обуначиларга ҳурмат билан қарашлари, ортиқча сарсон қилмасдан, иложи борича мижозларга қулайлик яратишлари керак.

Хуллас, бозор иқтисодиёти даврида почта хизматидан тушадиган салмоқли даромад манбаи бўлмиш обунани масъулиятли чуқур англаган ҳолда ўтказишга бурчлимиз.

Абдусаттор ОРТИҚОВ,
Республика матбуот тарқатиш Маркази бошлиғи

ДЎСТ ХОТИРАСИ



Айни меҳнат фаолияти жўш урган бир паллада Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Александрович КРАВЧЕНКО бевақт оламдан кўз юмди...

У қарийб 25 йил республика алоқа корхоналарида самарали меҳнат қилиб, ўзининг бор билими ва маҳоратини алоқа соҳасининг равнақига сарфлади. Моҳир алоқачининг муҳандислик ва раҳбарлик истеъдоди юртимиз телекоммуникация тизимининг тараққиётига хизмат қилди.

Владимир Александрович КРАВЧЕНКО 1945 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. У Тошкент электротехника Алоқа институтини тугатгач, Армия сафида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент шаҳар Ҳамза телефон алоқаси тугунида бошлиқ ўринбосари ва бош муҳандис вазифаларида ишлади. 1975-1983 йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоқларида цех бошлиғи бўлди, сўнгра шу тармоқнинг қурилиш-таъмирлаш бошқармасига раҳбарлик қилди. Кейин икки йил мобайнида «Союзтелефонстрой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасида бош муҳандис вазифасида фаолият кўрсатгач, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармасининг бош муҳандислик вазифасига ишга ўтказилди.

Владимир Александрович 1986 йилдан бошлаб ун йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири ўринбосари, 1995 йилдан эса вазирнинг биринчи ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди. Мана шу даврда унинг ҳар томонлама қобилиятли раҳбар эканлиги намоён бўлди. У соҳани ривожлантиришга қаратилган кўплаб лойиҳа-таклифлар ташаббускори ва амалий ижрочиси эди. Владимир Александрович алоқачилар ва жамоатчилик орасида катта обрў-эътибор, ҳурмат қозонганди. У Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиги ҳамда «Алоқа устаси» нишони билан тақдирланган эди. Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг ёркин хотираси уни яхши билган, бирга меҳнат қилган дўстлари қалбида абадий сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ



Чирчиқ шаҳарлараро телефон станциясида тажрибали телефончилар қатори Нигора Ёрматова, Зение Абиева ва Наргиза Зулқарнаевалар ҳам самарали меҳнат қилишмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Алоқа матбуот кўзгусида

ХАВФЛИ ДАРАКЧИЛАР

1963 йили Ливия пойтахти Триполида 75 та почта кабутарлари ўлимга маҳкум этилган эди. Бунга сабаб шуки, бир гуруҳ қўпорувчилар хабарчи қушларни энг муҳим ахборотларни Италия, Греция ва Мисрдан Ливияга етказишга ўргатишган эди.

Мазкур жиноятни кўриб чиққан суд ҳайъати жамоат учун хавфли бўлган ишларни бажараётган кабутарларни ўлдириш тўғрисида ҳукм чиқарди. Қўлга олинган қўпорувчилар тўдаси берилган жазо муддатини ўташдан ташқари, қушлардан хавфли мақсадларда фойдаланганликлари учун ҳам катта миқдорда жарима тўлашди.

БИР ЗУМДА 600 МИНГТА ...

Сув остида кабель ётқизиш билан шуғулланаётган мутахассислар Буюк Британиянинг ғарбий қисмидаги сўнгги нуқтага ҳам етиб бордилар.

Атлантика океанининг остидан ўтган кабель Корнуолл ярим оролидан унча узоқ бўлмаган Лэндс-энд шаҳридаги океан қирғоғигача етказилди. Янги телефон линиясининг узунлиги 27 минг километр бўлиб, 12 та мамлакатни алоқа йўли билан боғлайди ва бир вақтнинг ўзида 600 мингта телефон сўзлашуви амалга оширилади.

Дастлаб 1956 йилда ишга туширилган кабель линиясида фақат бир вақтнинг ўзида 36 та сўзлашувни амалга ошириш режалаштирилган эди. Бу борадаги ишлар узоқ муддатга мўлжаллаб тузилган бўлиб, умумий миқдори 1180 миллион долларлик ишни рўёбга чиқаришда 40 та компаниянинг вакилларидан иборат консорциум иштирок этмоқда. Яқин кунлар ичида кабель Британиянинг миллий телефон тармоғига ҳам уланади.

СЎЗЛАШУВ МАСКАНИДА БИР ЗУМ...

Чортоқ электроалоқа боғламасининг, шаҳарлараро сўзлашув маркази—коммутатор хонасида бўлганимизда қизғин иш устидан чиқдик. Телефончи-алоқачилар Соҳибжон Исабоев ва Роҳатой Саримсоқовалар-нинг қўли-қўлига тегмайди. Тугмачадай кичик-кичик буюртма чироқчалари бирин-кетин ўчиб-ёниб турипти...

Роҳатой Саримсоқова 17 йилдан бери боғламада телефончи-алоқачилик касбида меҳнат қилиб келар экан.

— Касбингиздан мамнунмисиз? — сўраймиз опадан.

— Албатта мамнунман. 1979 йили тумандаги 12-ўрта мактабни битириб, боғламада илк иш бошлаган кезларимни эсласам ҳали-ҳануз қувонаман. Чунки касб танлашда янглишмаган эканман. Ўз касбининг билимдони Раиса Марченко менинг қалбимда алоқачилик касбига ихлос уйғотган устозларимдан бири.

Алоқачилик бошқа касбларга қараганда ўта нозик ва машаққатли. «07» билан боғланган мижознинг буюртмасини тез ва сифатли бажаришга, ҳар бир мижознинг сўровига ҳозиржавоблик билан жавоб қайтаришга тўғри келади. Кўриб турганингиздек, «07» чироқчалари бирор дақиқа ҳам ўчмайди. Ана шундай пайтда ҳозиржавоблик, айни чоғда сабр-бардош ҳам керак бўлади. Мен ана шундай касб соҳиби эканлигимдан ғурурланаман...Шаҳарлараро сўзлашув марказининг Муҳаббатхон Меҳмонова, Маҳаммаджон Ҳошимов, Содиқжон Абдураҳимов, Баҳромжон Жўрабоев сингари телефончи-алоқачилари борки, уларнинг хизматидан кўпчилик баҳраманд. Эл узогини яқин, мушкулини осон қилиб, мижозлар ҳурматини қозонаётган чортоқлик алоқачиларнинг ишига муваффақиятлар тилаймиз.

Маҳаммадали ҚАМБАРОВ,
Наманган вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли ҳамкасбимиз Иззат АҲМЕДОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-тотувлик ҳамда ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

«ХАБАР» газетаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги негизида тузилган Ҳиссадорлик Жамиятлари ва қўшма корхоналар жамоалари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари

Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, Вазирлик Ҳайъат Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари

Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелеком» концерни ва давлат электроалоқа корхоналари жамоалари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари

Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» концерни ва давлат почта алоқа корхоналари жамоалари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари

Владимир Александрович КРАВЧЕНКОнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР

Нуруллохон ҳожининг совғаси

Қўқонлик Нуруллохон ҳожи (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) менга жубба (оқ ридо) совға қилдилар. Билсам, уни кийиб юришнинг кўпдан-кўп ажиб хосиятлари бор экан.

Бекатда автобус кутиб турган эдим. Кўчанинг у юзида икки бедаво насроний пайдо бўлди. Иккови ҳам дурустгина сарҳуш, бунинг устига қўлларида биттадан қатта идишда пиво бўлиб, ўта иркит йигитлар эди. Иккови ҳам ёқавайрон, патила-патила сочлари албастиникидай ёйилган, хуллас одам ҳазар қилгудек даражада эдилар. Улардан бири мени кўриши биланоқ шеригига деди:

— Жим!.. Анави киши мусулмон. Бориб салом берайлик.

Улар кўчани кесиб ўтиб, менга юзма-юз келдилар-да, бараварига таъзим қилиб, соф ўзбекча талаффузда:

— Ассалому-алайкум! — дедилар.

Мен алик олдим-да, улардан нарироқ кетдим. Улар йўлларига кетдилару бироздан кейин биттаси қайтиб келиб, менга иккита беш сўмликни узатди:

— Шуни олинг.

— Нега?

— Онам яқинда вафот этган, — деди йигламсираб. — Дуо қилинг, жойи жаннатда бўлсин.

Чор-ночор пулни олдим. Кейин уни ўша куниёқ кўзи ожиз насроний гадой кампирга бериб юбордим.

Иккинчи ҳодиса:

Орадан бир кун ўтди. Автобусда кетаётсам навбатдаги бекатда истараси иссиққина ўрта ёшли бир рус хотин чиқиб, рўпарамдаги жойга ўтирди. Мени кўриб, табассум билан салом берди-да:

— Мачитга кетяпсизми? — деб сўради.

— Йўқ, иш билан кетяпман, мачитга асосан жума кунлари бораман, — дедим.

Рус хотин ҳамёнидан пул чиқариб, менга узатди.

— Мачитга борганингизда шу пулни хайрия қутисига ташлаб, домладан ўғлимга дуо олиб беринг, — деди у. — Йигирма икки ёшли ўғлим бор. У мусулмон.

— Намоз ўқишни биладими? — деб сўрадим.

— Йўқ, ўрганолмаяпти, — деди рус хотин.

— Менга учрашсин, ўргатаман, — дедим. — Мачитга ҳам олиб бораман. Ундан ташқари менда Қуръоннинг русчаси бор, совға қиламан.

Мен шундай деб, телефонимни ёзиб бердим-да, сўрадим:

— Ўзингиз қайси динга мансубсиз?

— Менинг диним йўқ, — деди у. — Мен ҳам мусулмон динини қабул қилмоқчиман.

Унинг илтимосини бажо келтирдим. Масжидга бориб, бўлган воқеани имом ҳазратларига айтдим-да, аёл берган пулга яна бир сўм қўшиб, хайрия қутисига ташладим. Кейин ўзим ҳам дуо қилдим.

Исломга ўтган ва ўтмоқчи бўлган ўшандай инсонлар кўпаяверсин ва муроду мақсадига етаверсин! Омин ва Роббил оламийн!

Учинчи ҳодиса метрода, ер ости саройида юз берди:

Мендан анча узоқда турган ўрта ёшлардаги кўримсизгина бир рус хотин жадал-жадал юриб келиб салом берди-да, сўради:

— Кечирасиз, Сиз Қуръонни яхши биласизми?

— Нима эди?

— Мен бугун Қуръон сотиб олдим, шуни кўриб берсангиз, — деди-да, қўлидаги қора халтадан қора муқовалик китоб чиқариб, менга узатди.

Мен уни икки қўллаб олдим-да:

— Агар Крачковскийнинг таржимаси бўлса жуда яхши, — дедим.

— Ҳа, бу Крачковскийнинг таржимаси, — деди у.

— Ундоқ бўлса ўқиб ўрганаверинг, — дедиму китобни қайтариб бердим, аммо ўша вақтда Крачковскийнинг хатоларини билмас эдим.

Кейин у менга динларни ҳурмат қилишини, христианлик билан бирга исломни ҳам ўрганмоқчи эканини айтди.

Ютунгина кийинган, кўримсизгина, лекин юз-кўзларидан нурлиги, самимийлиги, бир қадар тақводорлиги тўла-тўкис сезилиб турган бу аёлга кўнглимда гўзал бир ҳурмат ва меҳр уйғонди.

МЕРОС

ТАНОВУЛ ОДОБЛАРИ

Овқатланишдан аввал «Бисмиллоҳир роҳманир роҳим» деб, кейин ўнг қўл билан овқатланинг. Ўз олдингиздан енг. Агар бошқа идиш ва ликопчаларда ҳам турли ейиладиган нарсалар қўйилган бўлса, у ҳолда кўнгил тусаган нарсаларни бошқа жойдан ҳам олиб ейиш мумкин.

* * *

Агар барча бармоқларни қўллашга зарурат бўлмаса, учта бармоқни ишга солинг, яъни бармоқ учлари билан олиб енг ва еб бўлиб бармоқларни тил билан тозаланг. Агар идишни ҳам тозалаб, ялаб қўйсангиз барака келтиради.

* * *

Агар бир идишдан кўпчилик ейишга тўғри келсаю, овқат оз бўлса, у ҳолда камроқ енг, чунки биров тўйиб, бошқалар оч қолмасин.

* * *

Хурмо, узум ва бошқа меваларни кўпчилик билан еганда битта биттадан олиб енг. Бир олганда иккиталаб олмоқлик очкўзлик ва нодонликдир.

* * *

Пиёз, саримсоқ ва бошқа ноҳуш ҳидли нарсалардан еб, кўпчилик орасига борманг, чунки одамларга озор етади. Овқат ейишдан аввал ва кейин қўл ювиб, оғиз чайқанг.

* * *

Овқат жуда иссиқ бўлса, шошилиб еманг, зиён етади.

* * *

Овқат тановулидан фориғ бўлгач, парвардигорга шукр айтинг, худди шундай шукрни сув ичгандан сўнг ҳам айтинг.

* * *

Меҳмонга мазбонлик маросимини ўз жойига қўйинг ва олдига тансиқ таом қўйинг. Меҳмоннинг уч кунгача меҳмонлик ҳаққи бор. Меҳмон ҳам жуда кеч мезбон уйига бормасинки, уни қийин аҳволга қўяди.

* * *

Таом еб бўлганингиздан сўнг дастурхонни меҳмон олдидан йиғиштириб олинг, чунки дастурхон йиғилмай ўриндан туриб кетишлик одобу ахлоққа хилофдир. Агар ўзингиз олдинроқ таом еб бўлган бўлсангиз ҳам, ўтириб, оз-оз баъзи нарсалардан олиб еб ўтиринг, чунки эҳтимол сиз тўйгандурсиз, бироқ меҳмон тўймагунча таомдан қўл йиғманг.

* * *

Меҳмонни эшиккача кузатиб қўйишлик суннатдир.

* * *

Сув ичганда сипқириб ичманг ва нафас олганда сув идишни оғиздан олиб нарироқ тутинг. Сув ичаётганда дуо айтиб ичинг ва фориғ бўлгач, «алҳамдулиллоҳ» денг.

* * *

Идишнинг жўмрагидан сув ичманг, чунки бирор ҳашарот кириб қолган бўлиши мумкин.

* * *

Кумуш ва олтин идишларда ейиш ва ичиш ҳаромдур.

* * *

Ўзингизча тик туриб сув ичманг. (Агар тик туриб сув ичишга мажбур бўлсангиз раводур).

* * *

Ейиладиган ёки ичиладиган таомларни бировнинг олдига усти ёпилган ҳолда олиб боринг.

«МУАЛЛИМИ ДИН» асаридан



Соғинаман, йўллар қарайман...

ЭРКИНЛИК РУҲИЙ ХОТИРЖАМЛИКДИР

Ш. МОНТЕСКЬЕ

* * *

Халқнинг ғайрати, ақли ва яхши фазилатларига йўл очиб берувчи эркинликнигина қўллаб-қувватлаш керак.

У. ЧЭННИНГ

* * *

Ижтимоий эркинлик — барча учун одил ва тенг бўлган жамият қонунларига бошданоҳир оғишмай риоя қилишдан бўлак нарса эмас.

К. БОТТА

* * *

Эркинлик, фақат қонун изми да бўлишликдир.

В. ВОЛЬФ

* * *

Эркинлик қонун йўл қўйган барча нарсаларни қила билиш ҳуқуқидир.

Ш. МОНТЕСКЬЕ

* * *

Ўзгаларга зиён етказмай туриб, жамики нарсаларни қила олиш ҳуқуқи эркинликдир.

М. КЛАУДИУС

* * *

Фақат нодонларгина бебошликни эркинлик дейдилар.

ТАЦИТ

* * *

Чинакам эркин одам ким? Ўз эҳтиросларини ва ўзгаларнинг беманъи ҳавасларига қул бўлмаган кишигина эркиндир.

Ф. Н. ГЛИНКА

* * *

Ҳақиқий эркинлик бировнинг измида бўлмаслик эмас, тасодифий мутеликларга дуч келинганда ўзига малол олмаслик лаёқатидир.

П. А. ФЕДОТОВ

* * *

Эркинликни яхши кўрмайдиган одам йўқ; аммо ҳақгўй одам уни барча учун, ноҳақ эса фақат ўзи учун талаб қилади.

Л. БЕРНЕ

* * *

Ҳар турли имтиёзлар эркинлик ва адолат учун қабрдир.

И. ЗЕЙМЕ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ, Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0536. 7863 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Лирик тароналар.
9.00 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Куз давралари». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Умид учқунлари». Тележурнал.
10.25 «Жиноят ва жазо».
10.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.30 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.55 «Ўқитувчилар, сизлар учун».
13.30 «Ҳаммаси мақаллардан бошланади». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Оламга саёҳат».
19.05 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Ранг фалсафаси».
21.50 «Морена Клара». Телесериал.
22.35 «Мақом кечалари».
23.05 «Мозийдан садо».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «Пахтакор».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Антосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.30 «Курьер».
21.50 «Прайм-тайм». Телевидение ҳаётидан.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30—00.30 «Спорт қитъаси».

III

18.50 Янгиликлар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Куз наволари». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қўрбон». Телесериал.

Россия давлат телевидениеси
22.30—22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55—23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 Бўлажак кўрсатувлар шарҳи.
17.15 «Мультқарусель».
17.30 Эълонлар.
17.35 Мультфильм.
17.45 «Чироқ».
17.55 «Душанба». Публицистик кўрсатув.

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 Эълонлар.
19.50 «Авторсиз».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 «М»-хабар.
20.30 «Тиббиёт Сизлар учун».
21.00 «5+1».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шлягер».
21.40 «Спорт-тайм».
22.10 «Кимга қанақа?»
22.40 Тунги сеанс. «Яна ёдимга тушдинг». Бадиий фильм. (Ҳиндистон)
00.10—00.20 «Ҳайрли тун!».

СЕШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Бўлбулча»нинг парвози».
9.05 «Жарчи». Публицистик кўрсатув.
9.35 Ака-ука Амирқуловлар куйлайди.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин филофиллари». Телеочерк.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 Болалар учун. «Одам нурга тўлавериши».
12.40 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Доно бобо даврасида».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Альманах-ТВ». Тележурнал.
22.00 «Оҳанглардан тараган меҳр».
22.25 «Замон».
22.40 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Дўстлик».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Она шаҳрим».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.35 «Спорт қитъаси».

III

18.50 Янгиликлар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Иззат Қличев». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
/.30—9.00 «Телетонг».

***

19.10—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қўрбон». Телесериал.

*

Россия давлат телевидениеси
22.30—22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55—23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 «Мультқарусель».
17.25 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Самарқанд жилолари». Манзарали фильм.

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Қизиқарли воқеалар.
21.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.25 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». ХХР ташкил топган кунга.
21.55 «Дипкурьер».
22.10 Долзарб репортаж.
22.50 «16 вилоят». Немислар шаҳри (Ўзбекистонда немис маданияти ҳафталигининг очилиши.
23.20 «Спорт-дайжест».
23.50 «Доктор Джулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.15 Эълонлар.
00.20—00.30 «Ҳайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қора кўзлар». Киноконцерт.
8.55 «Ишонч тадбиркорлари». Телеочерк.
9.15 «Мусиқий саёҳат».
9.40 «Бахтиёр шаҳзода». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Асалим, ширин тилим».
11.40 «Кичкинтоймиз — тижингтоймиз».
12.00 «Энгроқ қўшиқлар». Бадиий фильм.
13.25 Тилаш Ҳўжамбердиев раҳбарлигидаги созандалар ансамблининг концерти.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...»
18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Зилол» фольклор-этнографик жамоаларининг телефестивали.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Дийнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрув.
21.45 «Морена Клара». Телесериал.
22.30 «Талқин. ХХ аср».
22.55 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.10 «Антоолам».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дрибблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

18.45 Янгиликлар.
18.50 Эълонлар.
18.55 Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

19.05—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қўрбон». Телесериал.

*

Россия давлат телевидениеси
22.25—22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50—22.55 Янгиликлар.

IV

17.10 «Ўзбекистон мўътарак».
17.15 «Мультқарусель».
17.30 Қалб тароналари.
17.45 «Мафтункор табиат».

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 Эълонлар.
19.50 «IV канал эксклюзиви».
20.20 «Америкага бир назар».
20.50 «Дастхат».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Маълумот сачашмалари».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 «Бизнес мирас».
23.15 «Юлдузлар жилоси».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Ҳайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Фермер». Тележурнал.
9.05 «Асрлар ҳидоси». Кинодастур.
9.45 «Чамандаги гулларимиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кўсмагта қасдма-қасд». Телеочерк.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.

***

12.00 «Фильм суратга олинди». Кинокўргазма.
12.30 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.55 «Сирли шарча». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.00 «Аввал иқтисод».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.40 «Одобнома».
21.55 «Дилнавоз садолар».
22.30 «Одамлар орасида».
22.50 «Қари билганни пари билмас».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уник».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.20 «Спорт қитъаси».

III

18.45 Янгиликлар.
18.50 Эълонлар.
18.55 «Қуртаг». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

19.05—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қўрбон». Телесериал.

*

Россия давлат телевидениеси
22.25—22.45

*

22.45 «Шоҳсупага йўл».
23.05—23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 «Мультқарусель».
17.25 «Интерспорт».
17.35 Эълонлар.
17.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 Эълондар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Клип-антракт».
20.45 «Каталог».
21.00 «02» тўлқинида.
21.15 «Туташ тақдирлар». Германия бирлашган кунга.
21.25 «Эколот-коктейль».
21.55 «Кобра». Телесериал.
22.40 «Компьютер-ревю».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Она».
23.30—23.40 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Достон қўшиқлар».
9.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Соҳибқирон — изҳодкор» нигоҳида».
9.20 «Кашф этилаётган имкониятлар».
9.50 «Алиса — мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Санъат гунчалари».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

*

12.00 «Хазинамиз таянчи».
12.35 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Аудитория».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Тақдим».
19.10 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Таниш ва номаълум».
22.05 Янги қўшиқлар.
22.15 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 «Дилором наволар».
9.45 «Таманно».
9.55 Видео янгиликлари.
10.20 Видео—«О».
12.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

18.50 Янгиликлар.
18.55 Эълонлар.
19.00 Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

19.15—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қўрбон». Телесериал.

*

Россия давлат телевидениеси
22.35—22.55

*

22.55 Эълонлар.
23.00—23.05 Янгиликлар.

IV

17.10 «Мультқарусель».
17.25 «Умид чечаклари».
17.50 Эълонлар.
17.55 «Бугунги Япония».

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Утмишсиз келажак йўқ».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Юлдузлар туркуми». Амир Темурнинг 660 йиллигига.
21.15 Араб эстрадаси.
21.45 «Кулги миллат танламайди». «Ўйинчи №1». Кинокомедия.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Мусиқий мехмонхона».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Бу дамлар ўхшар эртакка».

«Ёшлик» студияси намойиши этади:

9.35 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.15 «Елингидами?..»
10.50 «Эҳзон».
11.05 Экран ҳандаси.

*

11.20 «Устоз ва мураббий». Ўқитувчилар кунига бағишланади.
11.50 Эстрада қўшиқлари.
12.20 «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
13.40 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
14.40 — 15.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Нурафшон».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Одам».
18.35 «Янги авлод тайлайди».
18.55 «Сиз севган қўшиқ».
19.10 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Муҳаббат наволари». Мусиқий дастур.
21.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Атлас чи».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.35 «Закоснт».
22.45 «Имкон чўқиллари».
22.55 «Насиб». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Уйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 Видео — «О».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Ноғирза ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Тог қапалакларн». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.55—22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55 «Спрут». Телесериал.

*

Россия давлат телевидениеси
23.45 — 00.15

*

00.15 — 00.45 «Қалбингда халқ қўшиқларини асра». Телефильм.

IV

9.00 Шанба эртаги.
10.00 «Комедиантлар».
10.10 «Чинсэн».
10.40 Эълонлар.
10.45 «Рақслар қанотида».
11.15 «Срсшча».
11.45 Кинонинг олтин асри. «Анжелика гадобда». Бадиий фильм.
13.15 — 13.30 «Одам». Мусаввир А. Винера хотирасига.

* * *

17.10 «Мультқарусель».
17.25 «Шанба оқшомида».
17.35 «Одам ва одам».
18.00 «Комедиантлар».

*

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «Хит-коллекция». Жаҳон мусиқа янгиликлари.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 «Беш дақиқа ўзинг учун».
21.00 «Театрдан сўнг».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Спорт-дайжест».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинонинг олтин асри. Роберт Оссейн ва Мишель Мерсье «Анжелика» фильмида. 4-қисм.
23.20 «Эллада».
23.50 Эълонлар.
23.55—00.05 «Ҳайрли тун!».

ЯКШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Биламиз-у, аммо...»
11.30 Цирк, цирк, цирк.
12.00 Пойтахт концерт залларида.
12.30 «Спортимиз фидойилари».
12.50 М. Бобоєв. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 10-қўй.
13.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.40 «Маърифат» видеоканали. Ўқитувчилар кунига бағишланади.
14.40 — 15.10 «Ташриф» дам олиш дастури.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Дсгё» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шарқ ва ҳуқ».
22.15 Диққат, премьера. М. Бобоєв. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 11-қўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Жозиба».
10.00 «Замондош» ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 ТВ-II Якшанба дастурида.
18.05 «Дарвоқи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Мультн-пульти».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Таманно».
19.00 «Дилором наволар».
19.10 Мулоҳаза учун мавзу.
19.20 Якшанба лаҳзаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.20 Бугун кино оқшомида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ноғирза ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Мухлис ТВ-2». Ҳафталик кўрсатувлари маълумоти.
22.40 Видео — «О».
00.20 Дастур ниҳояси.

II

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15—22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Спрут». Телесериал.
23.40—00.05 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг сеҳрли оламн».
11.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.45 «Парле ву франсэ?».
12.15 «Жонли сайёра».
12.35 «Биргаликда куйлайлик». Мусиқий дам олиш дастури.
13.15 Афсона ва ҳақиқат. «Велосипед тарихи». Ҳужжатли фильм. 2-серия.
13.50 «Иштирок этувчилар».
14.20 «Тандем». Ёшлар учун мусиқий кўрсатув.
14.40 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
15.10 «Кинозалон. Шон Пенн «Безори» фильмида.
16.50 «Телеташриф».
17.05 «Мусиқий Олимп».
17.25 «Мультқарусель».
17.40 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадиий фильм.

* * *

18.10—19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «ТВ IV да сени кун».
20.05 Афсона ва ҳақиқат. «Монстр». Ҳужжатли фильм. 2-серия.
20.45 «Қопадонингизга осойишталик тилаймиз».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.50 Эълонлар.
21.55 Кинозалон. «Титаник»ни қутқаринглар». Бадиий фильм.
23.20 «Сенинг даврингда». Ёшлар учун кўрсатув.
23.50 «Иштирок этувчилар». Турди Ноднров.
00.20—00.30 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).